



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 7 сентябрь, № 173 (5340)

Чоршанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

**Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Саккизинчи қўшимча баённомани (Женева, 2008 йил 12 август) ратификация қилиш тўғрисида**

Қонуничилик палатаси томонидан 2011 йил 24 майда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2011 йил 27 августда маъқулланган

Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Саккизинчи қўшимча баённома (Женева, 2008 йил 12 август) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 6 сентябрь  
№ УРҚ—290

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

**Ўзбекистон Республикаси билан Қатар Давлати ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги Битимни (Доҳа, 2010 йил 24 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида**

Қонуничилик палатаси томонидан 2011 йил 24 майда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2011 йил 27 августда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Қатар Давлати ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги Битим (Доҳа, 2010 йил 24 ноябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 6 сентябрь  
№ УРҚ—291

**Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржаси бўлиб ўтди.**

## МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Германия Федератив Республикаси Куйи Саксония федерал ерининг озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва ривожланиш ва-

зирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Германия савдо-иқтисодий ва сарможавий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Германиянинг ташқи иқтисодий алоқалар, зирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Германия савдо-иқтисодий ва сарможавий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Германиянинг ташқи иқтисодий алоқалар,

(Давоми 2-бетда).

## ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР

**Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар ана шундай эътирофга сазовор бўлмоқда.**



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Юртимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди, иқтисодий тармоқлари тубдан модернизация қилинди, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнига катта эътибор қаратилди.

Хусусан, Юртобшамизнинг бевосита ташаббуслари билан минтақамизда биринчи бўлиб Ўзбекистонда ривожланишида муҳим

аҳамиятга эга автомобил-созлик саноатига асос солинди. Энг қувонарлиси, мазкур тармоқ қисқа вақт ичида Мустақиллигимиз-

нинг ёрқин тимсолларидан бирига айланди. Шунга уйғун тарзда бугун кўчаларимизни тўлдириб юрган, қолаверса, хорижда ҳам

### Тақдимот

катта эътибор қозонган замонавий, кўракм ва энг муҳими, тежамкор “темир тўпурларимиз” ҳар биримизнинг фахрури-миздир.

(Давоми 2-бетда).

### С. Глоаген:

## «Францияда «Самарқанд» майдонининг очилиши ўзбекистонликларга бизнинг камтарона совғамиз бўлди»

Франциянинг Прованс — Альп — Лазур қирғоғи минтақасида жойлашган Динь-ле-Бен шаҳрида ўтказилган 90-Халқаро Лаванда юбилей кўргазмасида мамлакатимиз вакиллари иштироки халқимизнинг бой тарихий ва маънавий-маданий меросини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО хузуридаги доимий ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.

Анъанавий Халқаро Лаванда кўргазмаси 1921 йилдан буён ўтказиб келинади. Жорий йилда ушбу кўргазмада Франция, Германия, Италия, Руминия, Перу ва яна бошқа қатор мамлакатлар қатнашди.

Сопол ва теридан тайёрланган буюмлар, миллий нақшдорлик, рас-сатлик санъати намуналари, мини-атюралар, гилам, ипак, сўзана ва миллий либослар сингари халқимизнинг амалий ва тасвирий санъат мах-

### Эътироф

сулотлари ўзбекона услубда, гўзал ва ўзига хос тарзда безатилган Ўзбекистон Республикаси бўлмаси пештахталаридан жой олди.

Тадбир доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти халқимизда республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ўтказилаётган кенг миқёси исло-

хотлар, иқтисодий либераллаштириш борасида зарур ва қўлай шарт-шароитлар яратиш юзасидан мамлакатимиз ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди. Тақдимот чоғида Ўзбекистон томони мазкур минтақа билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштиришдан манфаатдор эканлиги қайд қилинди. Шунингдек, тадбир доирасида юртимизда ижтимоий-сиёсий ва маданий-гуманитар соҳаларда изчил олиб борилаётган демократик ислохотлар натижалари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар намойиши ҳам бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

## КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИ

**банк-молия тизимининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга**

Мамлакатимиз парламенти юқори палатасининг олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонун молия-банк тизимида самарали ва бозор механизмларига тез мослашувчан инфратузилмани барпо қилишда алоҳида ўрин тутди.

банклари ассоциацияси хузуридаги Банклараро кредит бюроси фаол иш олиб бормоқда.

Бироқ амалиётда кредит ахбороти алмашинуви тизимидан фақат тижорат банклари фойдаланиш имконига эга бўлиб, молия-банк тизимининг бошқа субъектлари, хусусан, микромолиявий хизматлар курсатувчилар, лизинг ташкилотлари, суғурталовчилар ҳамда бошқа кредитдорларнинг фойдаланишини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмас. Шу билан бирга, қарз олувчилар тўғрисида ишончли ва тезкор ахборотни етказиб бериш лозимлиги, кредит олиш учун муружаат этган шахслар ҳақида тўлақонли ахборот йиғиш борасида кредит ташкилотларининг имкониятлари чекланганлиги тадбиркорлик хатарларининг ошишига, тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш мuddатларининг чўзилишига ва кредит ажратувчиларнинг операция-он харажатлари ошиб боришига олиб келиши мумкин.

### Сенатда маъқулланган

ташкilotлари кредит портфелининг йилдан-йилга кўпайиши, кредит бозорининг ривожланиши, ўз навбатида, кредитлаш жараёни инфратузилмасини такомиллаштиришни ҳам тақозо этмоқда.

Маълумки, бугунги кунда мазкур инфратузилманинг асосий бўлини ҳисобланган кредит ахбороти алмашинуви тизими йўлга қўйилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Кредит ахбороти миллий институти ҳамда Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатия ваколатхоналарига дунё сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари таниқли ваколатхонаси мустақил тараққиёт йиллари давомида эришган муваффақиятлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари акс этган мактублар келиб тушиши давом этмоқда.

## ЯПОНИЯ МУТАХАССИСЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

Жумладан, Япония парламенти Вакиллар палатасининг депутаты, Япония Либерал-демократик партияси Бош котибининг ўринбосари Сейичиро Мураками Ўзбекистон халқини

сига кўрсатилган инсонпарварлик кўмаги учун Президент Ислоҳ Каримовга ва ўзбек халқига ўзининг чуқур миннатдорлигини билдирди.

### Дунё нигоҳи

Ислоҳ Каримов раҳнамолигида жамиятни босқичма-босқич демократлаштириш ҳамда иқтисодийни изчил ривожлантиришга қаратилган ислохотлар муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ВАДИМ МЕНЬКОВ УЧИНЧИ МАРТАБА ЖАҲОННИНГ ЭНГ ЯХШИ КАНОЗЧИСИ

Ўзбекистонлик спортчилар жаҳон ареналаридаги зафарли юришларини давом эттирмоқдалар. Бундай улкан муваффақиятлар глобал микёсда эътироф этилаётгани эса барчамизни қувонтиради.

### Хушxabар

Халқаро каноз федерацияси томонидан канозда эшак эшиш бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси, икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков учинчи мартаба дунёнинг “Энг яхши канозчиси” деб эълон қилиниши бунинг ёрқин тасдиғидир. Бу бежиз эмас, албатта.

Япония парламенти депутатининг эътирофи эътишога, Ўзбекистонда Президент раҳнамолигида жамиятни босқичма-босқич демократлаштириш ҳамда иқтисодийни изчил ривожлантиришга қаратилган ислохотлар муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари 2011 йилнинг 6 сентябрь кунин Сурхондарё вилояти аҳолисининг қўшни “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси фаолияти натижасида аҳоли саломатлигига ва атроф-муҳитга етказилаётган салбий таъсирга қарши жамоатчилик норозилиги акс этган БМТ Бош Ассамблеясига муружаатини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури-нинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига топширдилар.

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

Муружаат матни ва унинг остига йирилган 757 359 та имзони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Тошкентдаги ваколатхонасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатасига Экоҳаракатдан сайланган депутатлар ва Сурхондарё вилоятининг жамоатчилиги вакиллари топширдилар. Сурхондарё вилояти аҳолисининг БМТ Бош Ассамблеясига муружаатида одамлар 35 йилдан буён қўшни Тожикистондаги алюминий ишлаб чиқариш корхонаси томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг аянчи оқибатларидан азият чекаётганлиги ҳақида гап боради.

Таркибда фторли водород бўлган алюминий ишлаб чиқариш ташланмалари нафақат Тожикистон, балки Ўзбекистоннинг жанубий худудлари атмосфера ҳавоси ва атроф-муҳитини ҳам ифлослантирмоқда. Бироқ бу масалага корхона раҳбарияти совуққонлик билан қарамокда, қўшни мамлакат ҳукумати эса умуман бефарқ.

“Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонасини раҳбарлари одамларнинг бундай муаммоларига панжа орасидан қарамокда, зарур хулосаларни чиқармапти. Худуддаги экологик вазият эса тобора ёмонлашмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Сурхондарё вилояти аҳолиси халқаро ташкилотлар — БМТ Бош Ассамблеясига, ЮНЕСКО ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига қарата айна пайтда 750 миңдан ортқ киши имзоланган, “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонасидан зудлик билан қатор шартларни бажаришни талаб қилинган Муружаат қабул қилдилар.

Жумладан: — “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси фаолиятини зудлик билан тўхтатиш; — “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонасидан ушбу корхонанинг унга туташ худудлар аҳолисига, флора ва фаунага етказган зарарини аниқлаш учун нуфузли халқаро мустақил экспертлар жалб қилган ҳолда экологик экспертиза ўтказиш; — алюминий ишлаб чиқариши қайта бошлаш учун корхона тўлиқ модернизация қилиниши ва замонавий тозалаш қурилмалари билан жиҳозланиши, корхона одамларга ва табиатга зарар етказмаслиги кафолатланиши шарт;

— “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси зиммасига ушбу корхонанинг бир неча ўн йиллик фаолияти натижасида минтақа аҳолиси саломатлигига ва атроф-муҳитига етказган зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятини юклаш.

Сурхондарё вилояти аҳолисининг муружаатида: “Биз ишончимизки, киндик қони тўқилган ўз она ерида хавфли саноат ишлаб чиқаришининг зарарли чиқиндилари туфайли соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлаётган юз миңлаб одамлар тақдирини халқаро ҳам-жамиятни бефарқ қолдирмайди”, деб таъкидланади.

Муружаат ва имзоларни БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили Анита Нироди хоним қабул қилиб олди ва мазкур ҳужжатлар БМТ Бош Ассамблеясига зудлик билан етказилишини билдирди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати матбуот давмати.

# КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИ

## Банк-молия тизимининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, кредит ахбороти олиш тизими ривожланмас экан, кредит бозорининг йирик субъектлари айланб бораётган нобанк кредит ташкилотларининг кредит хатарларини тўғри баҳолаш, қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилиги, молиявий аҳоли ва уларнинг ишбилармонлик қобилиятини таҳлил қилиш имкониятлари чеклиб қолаверади.

Халқаро тажриба ҳам шуни кўрсатмоқдаки, кредит ахбороти алмашинуви, одатда, давлат реестри ёки нодавлат кредит бюралари томонидан олиб борилади. Чунки, айрим мамлакатларда бу марказлашган ягона поғонали кредит ахбороти алмашинуви тизими ҳисобланади. Бунда кредит ахбороти алмашинуви давлат томонидан амалга оширилган ҳолда, кредит ахборотлари ягона давлат реестри томонидан юритилади. Базис мамлакатларда эса марказлашмаган кўп поғонали кредит ахбороти тизими фаолият юритади. Бунда кредит ахбороти алмашину-

ви кредит бюралари ва давлат томонидан амалга оширилади.

Яна айрим мамлакатларда кредит ахбороти алмашинуви кредит бюралари томонидан амалга оширилади, лекин давлат Кредит ахбороти алмашинуви реестрини юритади ва кредит бюраларининг фаолиятини назорат қилади. Шу ўринда қайд этиш лозимки, кредит ахбороти алмашинуви тизимининг ўшбу модели миллий банк-молия тизимининг талабларига мос келиб, у "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Қонунда ўз ифодасини топган.

Қонунга асосан, кредит ахбороти алмашинуви кредит бюралари томонидан тегишли лицензия олиниши орқали йўлга қўйилиб, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ҳамда Кредит ахбороти ягона давлат реестрини олиб бориш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

Қонунга мувофиқ, кредит бюраси қарз олувчилар тўғрисида кенг қамровли ахборотларни, хусусан,

кредитлар бўйича тўловлар, нокредит мажбуриятлари, иш тажрибаси, ишбилармонлик обрўси ва бошқа маълумотларни жамлайди. Бунда бюро ишончли манбалардан ахборот олиб, манфаатдор кредитторларга кредит ҳисоботларини тақдим этади. Айни вақтда Қонун билан кредит ахборотини тақдим этишга ва унинг алмашинувига доир чеклашлар ўрнатилмоқда. Яъни, кредит ахборотини тақдим қилиш ва унинг алмашинуви кредит битимини тўзишда таваккалчиликни баҳолаш, кредит битими ижроси мониторинги, кредит ахбороти субъектларини рейтинг асосида баҳолаш, ахборотнинг ҳолислиги ва тўричилигини таъминлаш мақсадларида амалга оширилади.

Бундан ташқари, Қонунга биноан, кредит ахбороти алмашинуви жараёнида кредит ахборотини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни тегишли давлат ташкилотларидан олиш тизимининг жорий этилиши алоҳида эътиборга моликдир. Ушбу идоралар томонидан кредит ахбороти алмашинуви учун зарур ахборотларнинг

тақдим этилиши тезкор, ишончли ва тўлақонли кредит тарихини шакллантиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Қонун кредит ахбороти алмашинуви соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий базасини шакллантирган ҳолда, кредитторлар ва қарздорларнинг кредит ахбороти алмашинувида иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратди. Қарз олувчиларнинг кредит тарихини тегишли давлат ташкилотлари ва бошқа кредит ахбороти етказиб бериувчилар маълумотлари ҳисобига кенгайтирилади ҳамда қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотлар базасини қисқа муддатларда кўриб чиқиш имкониятини вужудга келтиради, қисқа муддатларда кредит ажратиш ҳамда кредит бўйича сарф-харажатларни камайтиришга олиб келади, банк операция харажатлари ҳамда таваккалчиликларини камайтириб, тўлов интизомининг мустақамланишига хизмат қилади.

Ш. ХАМРАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ВА МАСЪУЛИЯТ

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан Давлат бюджетининг 2011 йил биринчи ярим йиллиги ижроси яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, тарққетнинг "Ўзбек модели" ҳаётга изчил татбиқ этилиши, дунёнинг кўплаб давлатларини танг ахволга солиб қўйган жаҳон молиявий-иқтисодий инкнрози шароитида ҳам юртимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлади, халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилди. Бундан ташқари, қарз олувчиларнинг кредит ахбороти алмашинуви тизимининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

рўёбга чиқарилиб, касбхунара коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётган, — дейди қўмита аъзоси Насимжон Алимов. — Чунки, 2011 йилнинг биринчи ярмида 520,2 мингтадан ортиқ, шу жумладан, кишлоқ жойларда 352,6 мингта иш ўрни яратилди.

Йиғилишда ҳисобот даврида Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан профитци билан ижро этилгани қайд этилди.

— Мамлакат бюджетининг ижтимоий вазири қайд этилди.

Таъкидланганидек, тарққетнинг "Ўзбек модели" ҳаётга изчил татбиқ этилиши, дунёнинг кўплаб давлатларини танг ахволга солиб қўйган жаҳон молиявий-иқтисодий инкнрози шароитида ҳам юртимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлади, халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилди. Бундан ташқари, қарз олувчиларнинг кредит ахбороти алмашинуви тизимининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

рўёбга чиқарилиб, касбхунара коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётган, — дейди қўмита аъзоси Насимжон Алимов. — Чунки, 2011 йилнинг биринчи ярмида 520,2 мингтадан ортиқ, шу жумладан, кишлоқ жойларда 352,6 мингта иш ўрни яратилди.

Йиғилишда ҳисобот даврида Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан профитци билан ижро этилгани қайд этилди.

— Мамлакат бюджетининг ижтимоий вазири қайд этилди.

Таъкидланганидек, тарққетнинг "Ўзбек модели" ҳаётга изчил татбиқ этилиши, дунёнинг кўплаб давлатларини танг ахволга солиб қўйган жаҳон молиявий-иқтисодий инкнрози шароитида ҳам юртимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлади, халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилди. Бундан ташқари, қарз олувчиларнинг кредит ахбороти алмашинуви тизимининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

рўёбга чиқарилиб, касбхунара коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётган, — дейди қўмита аъзоси Насимжон Алимов. — Чунки, 2011 йилнинг биринчи ярмида 520,2 мингтадан ортиқ, шу жумладан, кишлоқ жойларда 352,6 мингта иш ўрни яратилди.

Йиғилишда ҳисобот даврида Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан профитци билан ижро этилгани қайд этилди.

— Мамлакат бюджетининг ижтимоий вазири қайд этилди.

ЎЗРТХБ Котиловқалари сўм/кг

УН олий нав 720,9 ▼ - 23,6

(Давоми. Боши 1-бетда).

"GM Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган, янгиланган "Chevrolet Captiva" автомобилнинг поитахтиминиздаги Турин политехника университетида бўлиб ўтган тақдимот маросимида шулар алоҳида таъкидланди. Унда "Узавто-саноат" акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар, "General Motors" компания-

# ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР

## Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар ана шундай эътирофга сазовор бўлмоқда.

си ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда "Узавто-саноат" АК ўз таркибидан қирқча яқин компанияларни бирлаштирган бўлиб, шу жумладан, бир қатор корхоналар Корея Республикаси, АКШ, Италия, Германия, Голландия каби давлатлар сармояси ҳамда технологияси иштирокида самарали фаолият юритиб келмоқда. Бу эса 16 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этиш ҳамда замон талабларига ҳар томонлама мос енгил автомобиллар, автобуслар, юк машиналари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга замин яратди. Боз устига, автомобиль двигателлари тайёрланадиган "General Motors Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонасининг ташкил этилиши мамлакатимиз автосаноати ривожигаги навбатда-

ги муҳим қадам бўлди. Эътироф этиш кераки, дунёнинг санокли давлатларидагина мавжуд бу каби ишлаб чиқариш объекти маҳсулотларидан эндиликда нафақат маҳаллий, балки "GM"нинг глобал тармоғига кирувчи хориж корхоналари ҳам фойдаланиши кўзда тутилмоқда.

Янгиланган "Chevrolet Captiva" автомобиллини ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши эса ана шундай

# ЯПОНИЯ МУТАҲАССИСЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодий ислохотлар ҳақида атрофида тўхтаб қолган экан, япониялик сиёсий арбоб иқтисодий тараққетнинг "Ўзбек модели" хануз давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инкнрозининг салбий оқибатларини бартараф этиш имконини бергани ҳолда, изчил иқтисодий ўсиш борасида ижобий натижаларга эришишнинг асосий омилли бўлганини қайд этди.

У мамлакатимиз раҳбариятининг хусусий секторни ривожлантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини оширишга йўналиштирилган саноат-харақатларини қўллаб-қувватлади. Шу маънода, С. Мураками Ўзбекистон Президентининг жорий йил февраль ойида Японияга буюрган расмий ташрифи чоғида имзоланган Қўшма баёнотни ёдга олар экан, мазкур муҳим ҳужжатда томонларнинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш юзасидан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича интилишлари ўз ифодасини топганини қайд этди. С. Мураками икки мамлакат бизнес тўғрисидаги ўртасида амалий муҳитни тақамилаштириш бўйича ишчи гуруҳининг тузилгани иқти-

содий алоқаларни янада ривожлантириш учун мақбул механизм яратиш бергани ҳамда мазкур гуруҳнинг жорий йил июни ойида Тошкентда бўлиб ўтган биринчи йиғилиши кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим қадам бўлганини алоҳида таъкидлади.

У мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг ривожлантириш концепцияси хусусида тўхтаб қолган, 2010 йил 8 декабрь куни Япония парламентида Ўзбекистон — Япония халқаро симпозиумининг "Фуқаролик жамиятини шакллантириш" мавзусидаги йиғилиши бўлиб ўтганини маълум қилгани ҳолда, ушбу тадбирда иштирокчилар Ўзбекистонда мазкур соҳада ўтказилаётган ислохотлар билан батафсил танишганини айтди. Унинг қайд этилиши, "Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги стратегик шерикликнинг мустақамланиши эркинлик, демократия, инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши, қонун устуворлиги ҳамда бозор иқтисодиётини ривожлантириш сингари умумий қадриятлар бардавомлигига қўмақлашди".

Шунингдек, С. Мураками Ўзбекистоннинг минтақавий ва умумжаҳон миқёсидаги хавфсизлигини таъ-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур халқаро кўрғазма ва унинг доирасида ташкилланган Франция тадбирлар Франшиза оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Хусусан, мамлакатда нашр этиладиган "La Grovence" газетасида Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мақола чоп қилинган баробарида, маҳаллий "Юкрия Альп провинси" радиоканалида мамлакатимизга бағишланган махсус репортаж тингловчилар

# С. Глоаген: «Францияда «Самарқанд» майдонининг очилиши ўзбекистонликларга бизнинг камтарона совғамиз бўлди»

эътиборига ҳавола этилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг кўрғазмадаги иштироки тадбир катнашчилари ҳамда унинг меҳмонларида жуда катта қизиқиш уйғотди.

— Ўтган йилги кўрғазма чоғида намойиш қилинган тақдимот раштасталари воситасида Ўзбекистоннинг ўзини унқил бор кашф этган эдим, — дейди маҳаллий иқтисодиёт махсус коллежи ўқитувчиси Изабель Дормонт. — Ушундан маъшури тарихий шахарлар — Самарқанд, Бухоро ва Хивани ўз кўзим билан кўришга қатъий аҳд қилгандим. Жорий йилда бу орзум ушналди. Мамлакатингиз Мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида бениҳоят буюқ тарихий меросга эга мазкур шахарларни зийрат қилишга муваффақ бўлдим. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий қўрсаткичларга эришилаётгани баробарида, ушбу кўп миллатли жамиятда тинчлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ишонч ҳамда бир-бирини тўғри тушуниш муҳити ҳукмрон эканлигига шохид бўлганимизни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Биз, Динь-ле-Бен аҳолиси шахримизда "Самарқанд" майдони очилиши режалаштирилаётгани ҳақидаги хушхабарни катта қувват билан қарши олдим. Амир Темур салтанатининг тарихий поитахтидаги майдонлардан бири ҳам Франциядаги бизнинг севимли

шахримиз номи билан ата-лажагига умид қиламиз. Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига шоду хуррамлик ва гуллаб-яшнашдек эзгу тилақларини йўллаймиз.

Прованс — Альп — Лазур киргоғи Минтақавий кенгашининг таълим масалалари бўйича раҳбари ёрдмчиси Мари Клер ҳам Ўзбекистонда орттирган таассуротлари ҳақида тўлқинлиб гапирди.

— Мамлакатингизда том маънодаги бебаҳо тарихий мерос билан ошно бўлдим, — деди у жумладан. — Бу-

лар шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас, аксинча, бой тарихдан, меҳмондўст одамлар, оқилона бошқарув ва жамиятнинг барқарор ривожланаётганидан олган таассуротларининг самимиий ифодасидир. Ўзбекистонда маданий қадриятларни асраб-авайлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга юксак эътибор қаратилаётгани, шубҳасиз, диққатга сазовор. Бир гапни ҳаммага ва ҳаммаша такрорлаб юраман: агар Францияни тарқ этишимизга ва қаергадир боришимизга тўғри келгудек бўлса, мен ҳеч иккиланмасдан Ўзбекистонни танлаган бўлар эдим. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатингиз Мустақиллигининг 20 йиллиги билан чин дилдан табриклайман ва Ўзбекистоннинг меҳнатқаш халқига энг эзгу истакларини тайлайман.

— Бу йил икки муҳим юбилей саналари — 90-Халқаро Лаванда кўрғазмаси ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги саналари шахримизни юртингиз билан бирлаштириб тургани қувонарли ҳолдир, — деди Динь-ле-Бен шаҳри мэрининг ўринбосари Б. Тессье. — Биз Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши тўғрисида кўп йиллигимиз баробарида, унинг замонавий тараққиёти билан ҳам қизиқамиз. Шу маънода, мамлакатингиз раҳбарияти томонидан Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижти-

моий ҳаёти барча жабҳаларида олиб борилаётган ислохотлар самардор эканлигини қайд этишни истар эдим. Ўзбекистон мустақиллиги байрами арафасида мэриямиз раҳбарияти ва минтақавий кенгаши шахримизда янги — "Самарқанд" майдонини очиб тўғрисида расман қарор қабул қилди.

Халқаро кўрғазма доирасида Динь-ле-Бен шаҳри мэри Серж Глоаген билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик даража-

сига юқори баҳо берилгани ҳолда, бундай алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан манфаатдорлик билдирилди. Шаҳар маъмурияти раҳбари ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги билан қўтлар экан, янги очиладиган "Самарқанд" майдонини жамоатчиликка тақдим этиш маросими жорий йил сентябрь ойининг иккинчи ярмига мўлжалланганини маълум қилди.

С. Глоагеннинг фикрича, мазкур қарор қўшма Самарқанд шахрининг бой тарихий-маданий мероси Франция томонидан эътироф этилгани аёнлаштирди. "Тарихий ўрғани асосида биз мактабда ўқиб юрган чоғларимиздаёқ Буюқ Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, жаҳон цивилизацияси бешликлари билан бири саналадиган бу афсонавий шахарга боришни орозу қилар эдик. Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида Францияда "Самарқанд" майдонининг очилиши изчил ривожланиб бораётган мамлакатингизга бизнинг камтарона совғамиз ҳисобланади", деди С. Глоаген.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон — Франция муносабатлари тарихида илк бор янги майдонга Ўзбекистоннинг қадимий шахарларидан бирининг номи берилди.

«Жаҳон» АА. Париж

# МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

сармоя, озиқ-овқат, кишлоқ ва сув ҳўжалиги каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Германия мамлакатимизнинг Европадаги муҳим сиёсий ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорларидан биридир. ГФР сармоядорлари иштирокида юртимизда умумий қиймати бир миллиард евродан зиёд кўплаб сармоявий лойиҳалар амалга оширилган. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги юздан зиёд ҳужжатларга асосланади. Улар орасида сармоявий, молиявий, техникавий соҳалардаги ҳамда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасидаги ҳамкорлик оид битимлар бор.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонда германиялик сармоядорлар иштирокида тузилган 116 қўшма корхона, Германия фирма ва компанияларининг

50 ваколатхонаси фаолият қўрсатмоқда. Улар энгил саноат, тиббиёт ва фармацевтика, илмий тадқиқотлар, савдо, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, юк ва йўловчи ташиш ҳамда автомобиль хизмати каби соҳаларда иш юритади.

— Компаниямиз сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади, — дейди "Milchhof Stotel KG" компанияси ижтимоий директори Клаус Титше. — Махсулотларимиз, асосан, Европа давлатларига экспорт қилинади. Кооперация биржаси Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан фойдали мулоқотлар ўтказиб, ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бизнес шартномалари тузишга хизмат қилади.

Кооперация биржасида Германиянинг бир қатор етакчи фирма ва компанияларидан вакиллар иштирок этгани германиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Мадина УМАРОВА, ЎЗА муҳбири.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ**

*теле радиозахиштириш соҳасида теле радиочастоталарни тақсимлаш ва фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқин тартибда лицензиялар бериш учун танлов эълон қилади.*

Танлов ўтказиш муддати — 2011 йил 5 ноябрь.  
Танлов ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг мажлислар зали.

**ТАНЛОВГА ҚЎЙИЛГАН РАДИОЧАСТОТАЛАР**

Лот	ТВ канал (частота)	Узатгич қуввати	Тарқатиш ҳудуди
1	26-телевизион канал (частоталар полосаси 510,0-518,0 МГц)	100 Вт	Кўқон шаҳри
2	24-телевизион канал (частоталар полосаси 494,0-502,0 МГц)	100 Вт	Андижон шаҳри ва қисман Андижон вилояти
3	46-телевизион канал (частоталар полосаси 670,0-678,0 МГц)	1,0 кВт	Андижон шаҳри ва қисман Андижон вилояти
4	26-телевизион канал (частоталар полосаси 510,0-518,0 МГц)	100 Вт	Гулистон шаҳри
5	37-телевизион канал (частоталар полосаси 598,0-606,0 МГц)	100 Вт	Бекобод шаҳри
6	38-телевизион канал (частоталар полосаси 606,0-614,0 МГц)	100 Вт	Наманган шаҳри ва қисман Наманган вилояти
7	25-телевизион канал (частоталар полосаси 502,0-510,0 МГц)	100 Вт	Маргилон ва Фарғона шаҳарлари
8	42-телевизион канал (частоталар полосаси 638,0-646,0 МГц)	100 Вт	Навоий шаҳри
9	26-телевизион канал (частоталар полосаси 510,0-518,0 МГц)	100 Вт	Қарши шаҳри
10	24-телевизион канал (частоталар полосаси 494,0-502,0 МГц)	100 Вт	Тўрткўл шаҳри
11	23-телевизион канал (частоталар полосаси 486,0-494,0 МГц)	100 Вт	Термиз шаҳри
12	8-телевизион канал (частоталар полосаси 190,0-198,0 МГц)	100 Вт	Ангрен шаҳри
13	3-телевизион канал (частоталар полосаси 76,0-84,0 МГц)	2,5 кВт	Самарқанд шаҳри ва қисман Самарқанд вилояти
14	21-телевизион канал (частоталар полосаси 470,0-478,0 МГц)	100 Вт	Бухоро шаҳри
15	10-телевизион канал (частоталар полосаси 206,0-214,0 МГц)	1,0 кВт	Вахшивар манзили ва қисман Сурхондарё вилояти
16	3-телевизион канал (частоталар полосаси 76,0-84,0 МГц)	100 Вт	Коровулбозор манзили
17	3-телевизион канал (частоталар полосаси 76,0-84,0 МГц)	1,0 кВт	Учқизил шаҳри ва қисман Сурхондарё вилояти
18	49-телевизион канал (частоталар полосаси 694,0-702,0 МГц)	2,0 кВт	Тошкент шаҳри
19	27-телевизион канал (частоталар полосаси 518,0-526,0 МГц)	100 Вт	Бухоро шаҳри
20*	1-телевизион канал (частоталар полосаси 48,5-56,5 МГц)	100 Вт	Кўқон шаҳри
21*	8-телевизион канал (частоталар полосаси 190,0-198,0 МГц)	100 Вт	Кўқон шаҳри

\* РРТМ ДУҚдан ижара шарти билан

Бюртмалар учун аризалар қабул қилишнинг бошланиш муддати — 2011 йил 7 сентябрь.  
Бюртмалар учун аризалар қабул қилишнинг тугалланиш муддати — 2011 йил 8 октябрь.

Бюртма учун ариза ва ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи манзилида қабул қилинади. Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси ишчи гуруҳи.  
Маълумот учун телефонлар: (8-371) 239-46-13, 239-84-57, 239-48-55.

Пул ўтказиш учун банк ҳисоб рақамлари, танлов шартлари, бюртманомага илова қилинадиган ҳужжатлар, лицензия талаблари ва шартлари, радиозахиштириш соҳасида радиочастоталардан фойдаланишга танловда иштирок этиш учун бюртма шакли билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ([www.aci.uz](http://www.aci.uz)), Давлат алоқа инспекцияси ([www.gis.uz](http://www.gis.uz)) веб-сайтларида танишиш мумкин.



**O'ZSANOATQURILISHBANK**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Тошкент вилояти Минтақавий филиали томонидан қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари, бино ва иншоотлар сотувга қўйилади.**

**Махсус техникалар рўйхати**

1. «HYUNDAI ROBEX 1300 LC3» русумли экскаватор. Сотилиш баҳоси — 351 514 866 сўм.
2. «SAMSUNG MX-132 W» экскаватор. Сотилиш баҳоси — 370 000 000 сўм.
3. «ЛТЗ-60АБ10» русумли трактор. Сотилиш баҳоси — 35 000 000 сўм.
4. «ТТЗ 80-10» русумли трактор. Сотилиш баҳоси — 38 500 000 сўм.
5. «ТТЗ 80-11» русумли трактор. Сотилиш баҳоси — 38 300 000 сўм.
6. «УАЗ 396259» русумли автомашина. Сотилиш баҳоси — 45 600 000 сўм.

**Бино ва иншоотлар рўйхати**

1. 1975 йилда қурилган, умумий майдони 0,21 гектар бўлган 2 қаватли маъмурий бино. Жойлашган манзили: Жиззах шаҳри, Алишер Навоий маҳалласи, Бешқувур кўчаси, 56-уй. Сотилиш баҳоси — 336 072 577,90 сўм.
2. Умумий майдони 1,223 гектар бўлган бино ва иншоот. Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Пскент тумани, Пскент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси. Сотилиш баҳоси — 590 948 149,50 сўм.
3. 1968 йилда қурилган, умумий майдони — 3909,60 кв.м. (фойдаланиладиган майдони — 3823,44 кв.м.), узунлиги 108,0 м., эни — 36,20 м., баландлиги 11,5 м. бўлган ишлаб чиқариш цехи. Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Туябўғиз кўрғони. Сотилиш баҳоси — 263 539 392 сўм.
4. Умумий майдони 2064 кв.м. бўлган 2 қаватли қаҳвахона (ертўласи билан). Бинонинг баландлиги — 3,30 м. Жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-уй. Сотилиш баҳоси — 423 000 000 сўм.
5. Умумий майдони 2,41 гектар бўлган бино ва иншоот. Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Бўқа тумани, Бўқа шаҳри, Магистраль кўчаси. Сотилиш баҳоси — 363 000 000 сўм.
6. Умумий майдони 345,46 кв.м. бўлган уй-жой. Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Ўртасарой» ҚФЙ, Наврўз маҳалласи. Сотилиш баҳоси — 250 000 000 сўм.

Маълумот учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:  
(+99871) 244-56-10, (+99871) 244-55-05.  
Факс: (+99871) 244-50-21.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 10-«А» уй.

**«ҚАРШИРАДИАТОР» ВА «АВТОТРАКТОРРАДИАТОР»**

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАЛАРИ ЖАМОАЛАРИ

*барча юртдошларимизни  
Мустақиллигимизнинг қутлуғ*

**20 йилмиги**

*билан самимий муборакбод этади!*



*Ватанимиз рабнатиги йўлида амалга  
оинираётган ағу ишлариниғда сизга  
омад ва қуи-қувват тилаймиғ.  
Тинчлик-тотувлик,  
бағат-иқбол доғмо ёр бўлсин!*

**Бизнинг корхоналаримизда:**

барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари, оғир юк ташиш машиналари, махсус автомобиллар учун 70 хилдан зиёд совитиш радиаторлари ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон иқлим шароитига жавоб берадиган ва ҳар тарафлама чидамли бундай усқуналар 6 йилдан ортиқ вақт давомида сизга хизмат қилади.

*Биз Ўзбекистон учун, унинг келажағи учун ишлаймиғ.  
Ушбу йўлда сиз билан ҳамкорлик қилишдан мамнунмиғ!*



Манзил: Қашқадарё вилояти, Бешкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 27-уй.  
Мурожаат учун телефонлар: (8-375) 275-15-89, (8-375) 775-68-87. Факс: (8-375) 228-03-97.  
E-mail: [spkashirad@mail.ru](mailto:spkashirad@mail.ru)

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ**

**ЎЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ХАРИДОРЛАРГА ТАҚДИМ ЭТАДИ (НАРХЛАР ҚҚС БИЛАН ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНГАН)**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.  
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

**КОНСТРУКЦИЈА УЧУН ПРОФИЛ** — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

**ACCENT**

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**HYUNDAI** Official Partner [www.hyundai.com.uz](http://www.hyundai.com.uz)  
Tel. (8-371) 250-11-11

NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.



# НАФИСЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК НАМОЙИШИ



**Пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва "Harro Saravan" халқаро турнири қизгин давом этмоқда.**

Халқаро гимнастика федерацияси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу нуфузли спорт байрами терма жамоамиз вакиллари учун ҳам омадди кечмоқда. Масалан, "Harro Saravan" халқаро турнирининг кўп кураш бахсларида умидли гимнастикачимиз Анастасия Сердюкова фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Унинг, айниқса, лентада машқ бажаришда барча рақибларини ортда қолдириб, мутлақ устунликка эришгани мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди.

— Шогирдимнинг ушбу муваффақиятидан жудаям хурсандман, — дейди мураббий Севара Каримова. — Бундай галабалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида болалар спорт, хусусан, қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак даражадаги эътибор мевасидир. Мақсадимиз — Олимпиада ўйинлари таркибидан ўрин олган нафис спорт тури бўйича яна кўплаб иқтидор эгаларини кашф этиш.

Шу ўринда айтиб ўтишим жоиз, юртимизда ўтказилган мана бундай йирик мусобақалар ёш спортчиларимиз

учун маҳорат мактаби вазифини ўтади.

Кўтаринки руҳда давом этаётган жаҳон гимнастика форумида бошқа спортчиларимиз ҳам ўз иқтидорларини намойиш этишларига ишонамиз.

Хозирга қадар ўтказилган бахсларга кўра, яққалик чиқишларида Ўзбекистон, Россия, Беларусь ҳамда Озарбойжон, жамоавий беллашуларда эса Германия ва Япония вакиллари ғолибликка асосий даъвогар бўлиб туришибди.

Бугун барча йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлади.

## Сўз — мусобақа иштирокчиларига

### Наталья АСМОЛОВ, мураббий (Исроил):

— Бадий гимнастикачи ўз маҳоратини тўла-тўқис намойиш эта олиши учун унинг кайфияти ва руҳий тайёргарлиги жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан айтганда, Тошкент шаҳри мезбонлик қилаётган Жаҳон кубоги босқичи беллашуварларида қизларимиз юқори натижаларни кўлга киритишига ишонаман. Чунки бу юрт одамларининг илиқ меҳри, ям-яшил кўчаю хиёбонлари, шовуллаб турган фавворалари, хуллас, ажойиб табиати вакилларимизга ижобий таъбир қилиб, уларга кўшимча куч ва тетиклик бағишлади. Йўл чарчоғини ҳам бир зумда унутиб, бахсларга астойдил киришдик.

Албатта, бу ерга ташриф буюрган иштирокчиларнинг ҳар бири турли халқаро мусобақаларда катта тажриба орттирган бадий гимнастикачилардир. Айниқса, Ўзбекистон вакиллари маҳорат бобида анча устун ҳисобланишади. Улар билан рақобатлашиш осон кечмаслиги аниқ.

Шундай бўлса-да, юқорида таъкидлаганимдек, қизларимизнинг аъло кайфиятда экани натижаларимизга ижобий таъбир қўрсатади.

### Камилла ПӨФӨФЕР, гимнастикачи (Германия):

— Пойтахтингда ўтаётган ушбу нуфузли мусобақадан яхши натижалар билан қайтиш ниятидамиз. Тайёргарлигимиз зое кетмабди, жамоавий бахсларнинг саралаш босқичидан муваффақиятли ўтиб, ҳал қилувчи беллашуларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдик. Бундан жудаям хурсандим.

Шу ўринда, ташкилотчиларга алоҳида миннатдорлик билдирмоқчи эдим. Чунки спорт байрамнинг юқори савияда ўтиши учун барча шароитларни яратиб беришмоқда, ҳатто маданий ҳордиқ чикаришимизни ҳам инобатга олишибди.

Ўзбекистондаги қисқа муддатли сафаримдан фойдаланиб, юртингиз маданияти, анъаналари билан ақиндан танишмоқчиман. Буюк ўтмишга эга бундай давлат-

нинг ҳар бир жиҳати мен учун қизиқ.

### Хун Дае МУН, делегация раҳбари (Жанубий Корея):

— Ўзбекистон бадий гимнастика ривожига катта эътибор қаратаётган давлатлардан биридир. Мақомига кўра, жаҳон чемпионатида яқин турадиган мана бундай йирик мусобақаларга мезбонлик қилиш вазифини мамлакатингизга ишониб топширилган бу ерда амалга оширилаётган ижобий ишларнинг халқаро миқёсдаги эътирофи хисобланади. Бундан, албатта, ҳар қанча фахрланса арзийди.

Эътиборимизни тортган яна бир жиҳат, юртингизда спортнинг нафис тури билан шуғулланаётган қизлар сони сўнгги икки йилнинг ўзига уч баробарга ортибди. Бу жуда катта кўрсаткич. Назаримда, аҳоли ушбу спорт турининг қизлар тарбиясидаги аҳамиятини яхши тушунади.

### Синтия Валдес ПЕРЕЗ, гимнастикачи (Мексика):

— Бугун ҳеч бир нуфузли спорт мусобақаси Ўзбекистон

вакилларининг иштирокисиз ўтмайди. Масалан, яқинда Мексикада футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионатида ҳам ёшларингиз ажойиб ўйин намойиш этиб, барчанинг меҳрини қозонишди. Ҳатто мексикаликларнинг кўпчилиги уларга муҳлислик қилди. Гарчи бадий гимнастика билан шуғулланам-да, мен ҳам имкон топиб, Мексика ва Ўзбекистон футболчилари иштирокидаги уршушларни томоша қилдим. Мажоратларига қўйил қолдим. Бундай муваффақиятга эришиш ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Тошкентга келишимиздан аввал интернет орқали мамлакатингиз спортни ҳақида ўқиб чиқдим. Шундан сўнг бадий гимнастикада, футболда, умуман, ҳар бир спорт турида кўлга киритаётган ютуқларингиз сабабини англаб етдим. Бу, шубҳасиз, соҳага давлат даражасидаги эътибор меваларидир.

### Шавкат ОРТИҚОВ, Санджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган давлат ва жамият қурилишининг устувор вазифаларини ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг нодавлат оммавий ахборот воситаларининг фол қатнашишини таъминлашга йўналтирилган, шунингдек, ОАВнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилган куйидаги мавзуларга оид лойиҳаларни кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— ОАВнинг молиявий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш;

— давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш, аҳолининг, жамоат биллашмаларининг маъзур органлар қабул қилинаётган қарорлар ва авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тегишли бўлган қарорлар ҳақидаги ахборотдан кенг фойдаланишини таъминлаш;

— аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини ошириш, аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

— нодавлат ОАВ журналистлари ва техник ходимларининг касб маҳорати ва ижодий фаоллигини ошириш;

— ОАВда ички ўзини ўзи цензура қилишни бартараф этиш, унинг молиявий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ОАВни демократик ва либерал ислохотларни ҳаракатлантирувчи кучга айлантириш;

— миллий матбуотнинг сифати, маҳорати

ва самарадорлигини ҳақондаги ривожланган ОАВнинг юксак талаблари ва мезонларига мос даражага қадар изчил равишда ошириб бориш.

### Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига ариза билан эркин шаклдаги илова хат.

2. Грант учун Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтыда жойлаштирилган шаклда лойиҳанинг аризаси.

3. Ташкилотнинг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси.

4. Низомнинг нусхаси (шунингдек, ташкилот мўҳри билан тасдиқланган низомга тааллуқли барча ўзгартиш ва қўшимчалар).

### Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2011 йилнинг 2 сентябридан 30 сентябрга қабул қилинади. Ҳужжатларни охириги қабул қилиш мuddати

— 2011 йил 30 сентябрь соат 16.00 га қадар.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган (ёпик) конвертда (А4 форматда) 100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юборилиши шарт. Бунда ҳужжатлар юборилган сана почта муҳрига қараб эътиборга олинади. Ҳужжатлар бевосита Жамоат фондига топширилган тақдирда, аризалар ҳар куни (шанба ва яшанба кунларидан ташқари) соат 09.00 дан 17.00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг руҳсатномалар бюросида қабул қилинади.

Барча матли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг расмий сайтыда: [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ижрочи деvonида танишиш мумкин (тел.: 239-26-64; 239-26-76).

акциядорлик жамияти жамоаси

**барча юртдошларимизни энг улғу, энг азиз айём —**

**Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади!**

**Истиқлолимиз шарофати ила гуллаб-яшнаётган мамлакатимиз ривожини йўлида амалга ошираётган ишларида омад ва туганмас куч-қувват тилайди.**

**Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!**

**Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!**

### «AGRI PARTS OSIYO»

**қишлоқ хўжалиги, юк ташиш ва йўл қурилиш техникаси учун эҳтиёт қисмлари, жамланмаларни Ўзбекистон бозорига кўп йиллар давомида етказиб бераётган етакчи компаниялардан ҳисобланади.**

Бизнинг маҳсулотимиз фақатгина заводда ишлаб чиқарилганлигига кафолат берамиз ҳамда сифат ва мувофиқлик сертификатларини тақдим этамиз.

Маҳсулот бевосита ишлаб чиқарувчилардан ва уларнинг дилерларидан келтирилаётганлиги боис нархларимиз бозордагидан анча арзон.

**Манзил:**  
Тошкент ш., Бобур к., 6-уй.  
(Бешёғочдаги собиқ пойабзал фабрикаси ёнида).  
Тел./ факс: (8-371) 215-72-77.  
Электрон манзилимиз: [agriparts@gmail.com](mailto:agriparts@gmail.com)

### «ETNA-SAFO» СИЧК

**барча турдаги балиқ, курк товуклар, бройлер жўжа, майда ва йирик қорамол учун оқсил ҳамда витамин қўшиб бойитилган юқори қувватли грануляцияланган**

## ОМИХТА ЕМ СОТАДИ.

Бизнинг омихта ем «Чиноз омихта ем ишлаб чиқариш корхонаси» (ЧОЕИЧК) МЧЖ билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилади.

Ем тайёрлаш жараёнида фойдали моддалар таъсирини оширадиган ва омихта емни ҳазм қилишга ёрдам берадиган буғлаб қайта ишлаш усули жорий этилган. Бу омил қорамол боқиш харажатларини қисқартиришда қўл келади.

Биз ишлаб чиқарадиган омихта емларга Ўзбекистон Республикасининг лицензияларга эга лабораториялари томонидан тасдиқланган кўрсаткичлар илова қилинади.

**Манзилимиз: Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, «ЧОЕИЧК» МЧЖ**  
Тел.: (+99897) 444-08-07, (+99898) 363-74-09. Факс 263-94-11.  
E-mail: [bdkonsalting@mail.ru](mailto:bdkonsalting@mail.ru)

*Тўловлар барча шаклда амалга оширилади.*  
**Шунингдек, олий навли ун ҳам тақлиф қиламиз.**

### «Farg'ona charm polimer» МЧЖ

ўзи ишлаб чиқарган куйидаги маҳсулотларни сотади:

- ҳар хил турдаги қурилиш линолеумлари;
- ПВХдан бўлган қопламалар;
- ПВХдан турли плёнкалар;
- пойабзал, чарм-атторлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.

**Маҳсулот сертификатланган.**  
Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй.  
Телефон: (8-373) 222-37-91.  
Факс: (8-373) 222-37-78. Моб.: (+99897) 782-25-64.  
E-mail: [charm\\_polimer@mail.ru](mailto:charm_polimer@mail.ru), [kazimov62@mail.ru](mailto:kazimov62@mail.ru)

### ОБ-ҲАВО

(7 сентябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгартиб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгартиб туради, ёгингарчилик қузатилмайди. Кечаси 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 16-21, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгартиб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёгингарчилик қузатилмайди. Ҳарорат тунда 16-18, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 264,6 ▼ -23,3 ЦЕМЕНТ (пц400 д220) 245,6 ▲ +0,2 АРМАТУРА 3343,0 ▲ +8,1 ШИФЕР (1 лист) 16438 ▼ -913 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 **Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.**

### Халқ сўзи

**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 52196 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.  
Навбатчи — Ф. Шералиев.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00 Топширилди — 23.50

1 2 3 4 5